



## ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ БЎЙИЧА БЎШ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИ ХОДИМЛАР ТАРКИБИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

(март 2019 йил)

### Мудирлар

Даволаш факультетига қарашли  
“Неврология” кафедраси

Малака ошириш факультетига  
қарашли “1-сон акушерлик ва  
гинекология” кафедраси

### Доцентлар

Даволаш факультетига қарашли  
“Умумий ва болалар жарроҳлиги”  
кафедраси

Тиббий педагогика факультетига  
қарашли “Клиник фармакология”  
кафедраси

### Катта ўқитувчилар

Даволаш факультетига қарашли  
“Ички касалликлар пропедевтикаси”  
кафедраси

Тиббий педагогика факультетига

қарашли “Психиатрия ва наркология”

кафедраси

### Ассистентлар

Даволаш факультетига қарашли “1-

сон факультет ва госпитал терапия”

кафедраси

Даволаш факультетига қарашли

“Анестезиология ва реаниматология”

кафедраси

Малака ошириш факультетига

қарашли “1-сон акушерлик ва

гинекология” кафедраси

**Хужжатларни қабул қилиш эълон қилинган кундан бошлаб бир ой  
муддатда ректоратнинг девонхона бўлимига топширилади.  
Манзилимиз: Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй.**

ТТА ректорати ва касаба уюшмаси 1-сон факультет ва госпитал терапия кафедраси профессори Ризамухамедова Машкура Захидовнага волидаи муҳтарамаси

**ФАЙЗИХОН ҲОЖИ ОНАНИНГ**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

MUASSIS:  
**TOSHKENT  
TIBBIYOT  
AKADEMIYASI**

MUHARRIR  
**TURDIQUL  
BOBOMURATOV**

TAHRIR HAYATI:  
Q.Nizomov (Bosh muharrir o'rinbosari),  
O.Hazratov, A.Zohidiy, S.Mavlyanov,  
D.Norgulov, L.Abduqodirova, D.Xudoyqulov

Gazeta Pentium-IV  
kompyuterida sahifalandi va Toshkent  
Tibbiyot akademiyasi RISOGRAFida  
400 nusxada chop etildi.  
Manzilimiz:  
Toshkent shahri, Farobiy  
ko'chasi, 2-uy  
**Nashr uchun ma'sul**  
Q. Nizomov

Gazeta Toshkent Matbuot va axborot  
boshqarmasida 2007-yil 15-yanvarda  
02-0049 raqam bilan ro'yxatga olingan

Mualliflar fikri tahririyat nuqati nazaridan farqlanishi  
mumkin. Maqolalardagi ma'lumotlar uchun  
mualliflar javobgardir  
Бепул тарқатилади

Topshirish vaqti: 14.00

## НАВРЎЗИНГ МУБОРАК ЖОНАЖОН ЮРТИМ!

**Азал-азалдан халқимизнинг  
эзгу ва гўзал қадриятларини,  
унинг олижаноб орзу-  
интилишларини ўзида мужассам  
этиб, қадим аждодларимиздан  
бизга ўлмас мерос сифатида  
безавол ўтиб келаётган Наврўзи  
олам мустақиллик йилларида  
мамлакатимизда яшаётган  
миллати, тили ва динидан қатъий  
назар, барча ватандошларимиз  
орзиқиб кутадиган, том маънодаги  
умумхалқ байрамига айланиб  
қолди.**

Баҳор қалбларга илиқлик нафасини улашаётган айни дамларда ўлкамизда Наврўзи олам ўз сепини ёймоқда. Юртимиз узра, ҳар бир шаҳару қишлоқ бўйлаб уйғониш айёмининг нафаси ҳукмрон. Яшариш, яшнатиш иштиёқи одамлар қалбига, шоир илҳомига, ҳофиз қўшиғига, бобо деҳқонларимиз ғайратига ғайрат, булбуллар наво-сига илҳом қўшмоқда. Маҳалла-гузарларимизда ободончилик юмушлари авжида. Мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида рўй бераётган ўзгаришлар, турмуш тарзимизни янада фаровонлаштириш мақсадида ҳаётга татбиқ этилаётган ислохотлар ўз самарасини бераётгани ҳеч кимга сир эмас.

Шундай экан, байрамлар бизга ярашади. Азалий удумларимиз рамзи, меҳр-оқибат тимсоли Наврўзи олам туфайли ҳар қанча шодумон бўлсак, ярашгай. Наврўзда ўтказиладиган кураш, улоқ-кўпқари, арқон тортиш, от чоптириш, мерганлик сингари миллий спорт ўйинларининг завқи бўлақча. Бу ўйинлар қадимдан аждодларимиз турмуш тарзининг ажралмас қисми бўлиб, ёш авлодни жисмонан чиниқтириш, саломатлигини, иродасини мустаҳкамлаш, уларда ор-номус, ҳалоллик, мардлик, ватанпарварлик, бағрикенглик каби олижаноб фазилатларни шакллантиришда ўрин эгаллайди.

(Давоми 4-бетда.)



### БАЙРАМ ТАБРИГИ

Уйғониш ва янгилашиш, кут-барака элчиси Наврўзи айём шуқуҳидан диллар яйрамоқда. Тинч ва осойишта юртимизга тўй-томошалар, байрамлар ярашади.

Мамлакатимизда Наврўз қадриятлари билан жорий йилнинг Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили деб эълон қилинишида ҳам ўзгача узвийлик мужассам. Айтиш жоизки, Наврўз ўзаро қадр-қиммат, хайру саховат, меҳр-оқибат тимсолидир.

Эзгулик, саховатга йўғрилган уйғониш, яшариш айёми бу йил дилларимизни яна қувончу шодликка чулғади. Наврўз халқимизни тинчлик, баҳамжиҳатлик, хайру саховатга чорламоқда.

Ҳурматли ўқитувчи-профессорлар, талаба-ёшлар! Сизларни мана шу гўзал, тароватли Наврўз айёми билан чин дилдан қутлайман. Сизларга аввало соғлиқ-омонлик, оилаларингизга тинчлик-хотиржамлик, бахт-саодат тилайман. Илмий изланишларингиз ва ўқишларингизда омад ёр бўлсин. Наврўзи оламнинг ҳаётбахш нур-зиёси қалбингизни поқлаб, нурафшон айлсин.

**Л.Туйчиев,**

**Тошкент тиббиёт академияси ректори**



**Гул учун гулдон бўлиш хуш қанчалар,  
Кул учун кулдон бўлиш, дил янчилар.**



## ҲАМКОРЛИК АСОСИДА ЯНГИ МАРКАЗ ОЧИЛДИ

**2018 йилнинг октябрь ойида Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси раҳбарлари ташаббуси билан "Россия – Ўзбекистон таълим форуми" ўтказилган эди. Форум доирасида Тошкент тиббиёт академияси ва И.М.Сеченов номидаги университети томонидан ўзаро ҳамкорлик шартномаси ҳам имзоланган.**

Яқинда пойтахтимиздаги "HYATT REGENCY TASHKENT" меҳмонхонасида икки томонлама ҳамкорликни кенг амалий татбиқ этиш мақсадида Тошкент тиббиёт академияси ва И.М.Сеченов номидаги Биринчи Москва Давлат тиббиёт университети ҳамкорлигида "Университетларо ҳамкорлик маркази"нинг ташкил этилишига бағишланган маросим бўлиб ўтди.

Тадбирга И.М.Сеченов номидаги Биринчи Москва Давлат тиббиёт университети ректори Пётр Глыбочка бошчилигидаги делегация аъзолари ташриф буюрди. Пётр Витальевич университет ректори ҳамда Россия фармацевтик ва тиббий олий таълим муассасалари ректорлар раёсатининг раиси ҳам ҳисобланади.

Тадбирда мамлакатимиздаги мавжуд тиббий-илмий марказларининг раҳбарлари, тиббий олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, тиббиёт арбоблари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Икки олий таълим даргоҳи ҳамкорлигида очилган марказ Ўзбекистон ва Россия тиббий олий таълим муассасалари ўртасидаги муваффақиятли ҳамкорликнинг биринчи намунаси ва натижаси ҳисобланади.

Тадбирда Тошкент тиббиёт академияси ва И.М.Сеченов номидаги университети ўртасидаги кўп йиллик ҳамкорликни намоиш этиш ва шу билан бир қаторда истиқболли режалар тузиш ҳамда амалга оширилиши кўзда тутилган илмий-амалий тадбирлар марказининг ҳамкорлигини янада ривожлантириш хусусида сўз борди.

Маъмур марказ халқроқ тажриба алмашишини янги сифат босқичига олиб чиқишда муҳим аҳамият касб этиши таъкидлаб ўтилди. Қўшма илмий-амалий тадбирларни ўтказиш, электрон таълим соҳасида ҳам ўзаро ҳамкорликни кучайтириш, талабалар алмашинув дастурларини олиб бориш ва таълим муассасалари ўртасида оператив узлуксиз ахборот алмашишини таъминлаш ушбу ОТМларо ҳамкорлик марказининг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Жумладан, тадбир доирасида таълим соҳасида илмий-амалий дастурлар ва лойиҳаларни амалга оширишдаги истиқболли режаларни кўриб чиқиш, ҳамкорлик алоқаларини янада соғлиқни сақлаш ва ривожлантириш имкониятларини юзага чиқариш борасида сўз борди.

– Ушбу марказ профессор-ўқитувчилар, мутахассислар, ёш олимлар ва икки университетнинг талабалари ўртасида соғлиқни сақлаш соҳасида инновацион ва технологик ғоялар юзасидан фикр алмашиш учун замонавий платформага айланади, – дейди Тошкент тиббиёт академияси ректори Лазиз Тўйчи. – Шунингдек, Сеченов номидаги университети етакчи профессор-ўқитувчилари Тошкент тиббиёт академиясининг таълим жараёнига кенг жалб қилинишига ёрдам бериб икки томонлама ҳамкорликнинг барча йўналишларини қамраб олади. Ушбу ҳамкорлик маркази яқин келажакда икки таълим муассасалари ўртасидаги тезкор, узлуксиз ахборот алмашинувни таъминловчи муҳим нуқтага ҳам айланади.

Тадбирдан сўнг йиғилиш иштирокчилари Тошкент тиббиёт академиясига ташриф буюриб, ўқув жараёнлари, тиббиёт хоналари, лабораториялар ва таълим муассасасида талабалар учун яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар.

**"Информатика ва биофизика" кафедраси Тошкент тиббиёт академиясидаги етакчи кафедралардан ҳисобланади. Бизнинг кафедра кўп йиллар давомида бўлажак тиббиёт ходимларини етиштиришда академиянинг билим бериш соҳасидаги ишларига катта ҳисса қўшиб келади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига кўра барча олий таълим муассасаларида янгидан техник жиҳозлаш бўйича керакли чора-тадбирлар кўрилоқда.**

## ТИББИЁТДА БИОФИЗИКА ФАНИНИ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЁРДАМИДА ЎҚИТИШ

Ҳозирги кунда бизнинг кафедрамизда "Тиббиётда ахборот технологиялари", "Математик статистика", "Математик моделлаштириш", "Умумий физика", "Биофизика", "Тиббий электроника", "Умумий ва тиббий радиобиология" каби фанларидан маъруза, амалий ва лаборатория машғулотлари олиб борилади. Албатта, ушбу фанларни ўқитишда талабаларга амалий кўникмаларни сингдириш учун керакли бўлган моддий-техник база мавжудлиги бугунги кунда олий таълимда долзарб аҳамият касб этмоқда. Бўлажак тиббиёт ходимлари билиши керак бўлган биологик, физиологик, физик қонуниятларни муҳим аҳамият касб этади. Талабалар тиббий фойдаланадиган керакли бўлган асбоб-ускуналар ва жиҳозларнинг ишлаш тамойиллари ва уларнинг таркибий қисмлари ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлишлари зарур. Академиямиз томонидан бизнинг кафедра учун керакли бўлган ярим-автоматлаштирилган лаборатория анжомларини "Оптик" фирмасидан 74 млн. сўмга сотиб олинди.


Бу жиҳозлар орасида тиббиётда қўл келиши мумкин бўлган ва талабаларимиз билиши керак бўлган ўқув фан дастурида берилган ўқув лаборатория қурилмалари "Ярим ўтказгичли диоднинг вольт-ампер характеристикасини аниқлаш", "Клеман-Дезорм усулида иссиқлик сизимлари нисбатларини аниқлаш", "Стокс усулида суюқликларнинг қовушқоқлигини аниқлаш", "Қулоқнинг эшитиш сезгирлигини аниқлаш" ва бошқа ўқув лаборатория қурилмалари учун мўлжалланган махсус асбоб-ускуналар олиб келинди. Бундан ташқари, барча ўқув лаборатория қурилмаларини инновацион ва интеграцион технологиялардан фойдаланиш учун талабаларнинг тасаввурини янада бойитиш мақсадида 10 дан ортиқ компьютер ва ўқув лаборатория қурилмаларини бошқариш учун компьютер дастурий таъминоти билан таъминланди. Бундай ўқув лаборатория қурилмаларнинг ишлатилиши бўлажак тиббиёт ходимларида физик ва биофизикавий билим, кўникма ва малакалари шаклланишига катта ёрдам беради деган умиддамиз.

**М.БОЗОРБОВ**

## ТТА бўйича март ойида тузилган ҳамкасб, устозларимиз

№	Ф.И.Ш.	Туғилган санаси	Кафедра ва лавозими
1	Ирискулов Бахтиёр Ҳамидович	16.03.1962	Нормал ва патологик физиология кафедраси муdiri
2	Юсупова Махира Тулгановна	19.03.1960	Нормал ва патологик физиология кафедраси катта ўқитувчиси
3	Азимова Севара Баходировна	30.03.1977	Нормал ва патологик физиология кафедраси ассистенти
4	Мажидова Гузал Дадажон кизи	15.03.1985	Нормал ва патологик физиология кафедраси ассистенти
5	Мирзаев Дилшодбек Ахмедович	17.03.1968	Нормал ва патологик физиология кафедраси ассистенти
6	Хасанова Малика Ахромовна	13.03.1990	2-сон факультет ва госпитал терапия кафедраси ассистенти
7	Акбаров Миршавкат Миралимович	26.03.1963	2-сон факультет ва госпитал жаррохлик кафедраси муdiri
8	Косимов Шухрат Зокирович	20.03.1949	2-сон факультет ва госпитал жаррохлик кафедраси профессори
9	Ташпулатова Шахноза Абдуллахатовна	17.03.1976	Юкумли ва болалар юкумли касалликлари кафедраси катта ўқитувчиси
10	Имамова Ильмира Абдуллаевна	11.03.1978	Юкумли ва болалар юкумли касалликлари кафедраси ассистенти
11	Ильхамов Дилшод Фархадович	03.03.1988	Тиббий радиология кафедраси ассистенти
12	Нигматжонов Абдурашид Сағдулла ўғли	19.03.1991	Тиббий радиология кафедраси ассистенти
13	Абдурахманова Наргиза Мирза-Бахтиярхоновна	22.03.1987	3-сон ички касалликлари кафедраси катта ўқитувчиси
14	Ташматов Шавкат Насриддинович	09.03.1982	Травматология, ортопедия ХДЖ ва нейрожаррохлик кафедраси ассистенти
15	Саиджалилова Дилноза Джавдатовна	01.03.1972	1-сон акушер гинекология кафедраси профессори
16	Муминова Зиёда Абраровна	09.03.1977	1-сон акушер гинекология кафедраси ассистенти
17	Исмаилова Гули Аминджановна	07.03.1955	Дерматовенерология кафедраси профессори
18	Парпибаева Динара Аюповна	01.03.1970	Д/Ф Ички касалликлари пропедевтикаси кафедраси доценти
19	Абзалова Дилорам Абдухалиловна	10.03.1956	Д/Ф Ички касалликлари пропедевтикаси кафедраси ассистенти
20	Эшбоев Эркин Абдухалилович	07.03.1986	Д/Ф Патологик анатомия кафедраси ассистенти
21	Алланазаров Исмоилжон Мусурмонқулович	20.03.1968	Д/Ф Патологик анатомия кафедраси катта ўқитувчиси
22	Бабаджанов Бахтиёр Дусанбаевич	15.03.1955	Д/Ф Умумий ва болалар жаррохлиги кафедраси профессори
23	Ешнйезов Джахангир Наурызбаевич	04.03.1963	Д/Ф Умумий ва болалар жаррохлиги кафедраси катта ўқитувчиси
24	Оралов Бехруз Абдукаримович	17.02.1958	Д/Ф Офтальмология кафедраси ассистенти
25	Матқулиев Ҳатирбек Исмоилович	29.03.1980	Д/Ф 1-сон факультет ва госпитал жаррохлиги кафедраси доценти
26	Каримов Махмуд Рустамович	28.03.1974	Д/Ф 1-сон факультет ва госпитал жаррохлиги кафедраси доценти
27	Закирова Умида Ирқиновна	10.03.1969	Д/Ф 2-сон болалар касалликлари кафедраси доценти
28	Латипова Шахноза Акбарбековна	15.03.1974	Д/Ф 2-сон болалар касалликлари кафедраси катта ўқитувчиси
29	Содиқова Нозима Баходировна	06.03.1985	Д/Ф 2-сон болалар касалликлари кафедраси ассистенти
30	Джурраев Жамолбек Абдиканорович	17.03.1987	Д/Ф ЛОР ва стоматология кафедраси ассистенти
31	Рашидова Нилуфар Сафаровна	19.03.1977	Д/Ф Неврология кафедраси ассистенти
32	Акилов Фарход Атауллаевич	26.03.1955	Д/Ф Урология кафедраси муdiri
33	Хамраев Аброр Асрорович	17.03.1960	Д/Ф 2-сон ички касалликлари кафедраси муdiri
34	Артиқова Дилфуза Махаматовна	11.03.1973	Д/Ф 2-сон ички касалликлари кафедраси доценти
35	Мирзахмедов Мурод Мирхайдар ўғли	21.03.1975	Д/Ф Хирургик касалликлар кафедраси ассистенти
36	Атаходжаева Патима Абдураимовна	28.03.1957	Д/Ф 2-сон акушер гинекология кафедраси доценти
37	Даминов Акмал Ахунджанович	13.03.1952	Гистология ва тиббий биология кафедраси доценти
38	Жуманиёзова Гулноз Санакуловна	16.03.1968	Гистология ва тиббий биология кафедраси ассистенти
39	Сиддиқов Муродхўжа Абдулалол ўғли	27.03.1991	Тиббий ва биологик кимё кафедраси ассистенти
40	Базарбаев Муротали Ирисалиевич	02.03.1974	Информатика ва биофизика кафедраси муdiri
41	Абдужаббаров Умида Машруповна	29.03.1971	Информатика ва биофизика кафедраси катта ўқитувчиси
42	Каттаходжаева Динара Утқурходжаевна	03.03.1965	Анатомия ва клиник анатомия кафедраси катта ўқитувчиси
43	Ишмуратов Муроджон Бахромонович	12.03.1989	Микробиология вирусология ва иммунология кафедраси ассистенти
44	Мамаджанова Мунираҳон Амановна	02.03.1959	Фармакология кафедраси катта ўқитувчиси
45	Саидов Аълонур Бахтирмуратович	31.03.1969	Гематология, трансфузиология ва лаборатория иши кафедраси муdiri
46	Бабаджанова Шаира Агзамовна	23.03.1952	Гематология, трансфузиология ва лаборатория иши кафедраси профессори
47	Қурбонова Зумрад Чутбаевна	26.03.1977	Гематология, трансфузиология ва лаборатория иши кафедраси ассистенти
48	Маматқулов Бахроможон	04.03.1949	Жамоат соғлиқни сақлаш мактаби директори
49	Юсупхўжаева Азиза Мажидовна	22.03.1974	Коммунал ва меҳнат гигиенаси кафедраси катта ўқитувчиси
50	Мустанов Азамат Юнусович	04.03.1973	Эпидемиология кафедраси катта ўқитувчиси
51	Юсупов Нодирбек Исломонович	05.03.1991	Болалар, ўсимирлар ва овқатланиш гигиенаси кафедраси ассистенти
52	Муяссарова Муҳаббат Муҳаммадиевна	28.03.1969	Жамоат саломатлиги, соғлиқни сақлашни ташкил этиш, бошқариш кафедраси катта ўқитувчиси
53	Зупаров Дилором Азимджановна	05.03.1985	Жамоат саломатлиги, соғлиқни сақлашни ташкил этиш, бошқариш кафедраси ассистенти
54	Бекназаров Шакир Юлдашевич	17.03.1946	Суд тиббиёти кафедраси доценти
55	Мусохонов Аброржон Камолитдинович	14.03.1984	Ахборот тизимларини жорий этиш бўлими бошлиғи
56	Нуров Эсан Игамович	20.03.1963	Иккинчи бўлим бошлиғи
57	Акмалхонова Феруза Шомақсудовна	21.03.1961	Ходимлар бўлими назоратчиси
58	Исматуллаева Нодира Анваржановна	13.03.1981	Ходимлар бўлими 1-д.муҳандиси
59	Набиева Севара Хамидуллаевна	09.03.1978	Илмий-тадқиқотлар, инновациялар ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими 1-д.муҳандиси
60	Азизова Феруза Люттиллаевна	30.03.1973	Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор
61	Бобомуратов Турдикул Акрамович	10.03.1964	Ешлар билан ишлаш бўйича проректор
62	Шоисломов Умида Шомуратовна	27.03.1956	Ўқув услубий бўлим услубчиси
63	Аслиев Орифжон Насриддинович	23.03.1981	Бош бухгалтер ўринбосари
64	Нурматова Азиза Мирбатировна	13.03.1985	Бухгалтерия 1-д. бухгалтери
65	Сафаров Музаффар Болтаевич	07.03.1979	Бухгалтерия 1-д. бухгалтери
66	Жуманов Хамзаали Абдиқанович	05.03.1984	Бухгалтерия 1-д. бухгалтери
67	Хасанова Машхура Абдувалиевна	25.03.1976	Ешлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими услубчиси
68	Козлова Ольга Анатольевна	26.03.1951	Тахририй нашриёт бўлими муҳаррири
69	Ғофуров Раҳимжон	01.03.1951	Техник фойдаланиш ва хўжалик бўлими бошлиғи

ТТА ректорати ва касба уюшмаси номлари зикр этилган ҳамкасб, устозларимизни яна бир бор таваллуд кунлари билан муборакбод этади.



## СЕН АЗИЗ ВА МУҚАДДАСАН – МУҚАДДАС АЁЛ

**Баҳор фаслининг илк кунларида нишонландиган мунис аёлларимизнинг гўзаллик ва нафосат байрами бетакрор юртимизга баҳор нафаси кириб келганидан дарак беради. Аёл азалдан меҳр-шафқат ва садоқат тимсоли бўлиб келган. Аёл деганда кўз ўнгимизда аввало, улуғ ва табаррук она сиймоси гавдаланади.**

Инсон зоти борки, оламдаги барча яхшилик ва эзуликларни, ҳаёт сиру асрорлари ва сабоқларини онанинг, аёлнинг меҳру саховати туйғулари билан олиб боради. Дунёда “муқаддас” деган сўзга энг муносиб зот ҳам – Аёлдир. Аёлни эъзозлаш – бизнинг миллатимиз, халқимиз учун олий қадрият даражасига кўтарилган фазилат. Чунки аёлларни қанча улуғласак, ҳаётимизнинг чироғи, умримизнинг гули деб эъзозласак, демаски, оиламизни, Ватанимизни эъзозлаган бўламиз. Шарҳда аёлни фариш-тага қиёс қилишади. Чунки фаришталар

Аллоҳ таоло яратган энг пок, энг бегуноҳ зотлардир. Халқимизнинг буюк тарихида ўзининг жасорат ва матонати, ақл-заковати, нафосат ва назокати билан ўчмас ном қолдирган Аёлларга бўлган чексиз ҳурмат-эҳтиромимизнинг яна бир сабаби шундаки, аёл аввало ҳар бир инсоннинг бешигини тебратадиган, оқ сути билан унинг юрагига одамийлик фазилатларини сингдирадиган, уни ҳаёт бўронларидан асраб-авайлайдиган фидойий инсондир.

Шу муносабат билан Тошкент тиббиёт академияси академик лицейида академия-

да фаолият олиб бораётган мунис аёллар ва қизларни муборакбод этиш мақсадида “Сен азиз ва муқаддасан – муқаддас аёл” байрам тадбири ташкил қилинди. Байрам тадбирини ректор Л.Туйчиев очиб бериб, аёлларнинг мамлакат, жамият ва оилада тутган ўрнига алоҳида тўхталиб ўтди. Шундан сўнг ўз меҳнати билан муваффақиятларга эришган хотин-қизларимизга фахрий ёрликлар ва эсдалик совғалари топширилди.

### 8 MART – ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР БАЙРАМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИЛАР:

1. Болалар, ўсмирлар ва овқатланиш гигиенаси профессори Г.Шайхова – Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила инстинтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 2 февралдаги Фармонига мувофиқ “Мўътабар аёл” кўкрак нишони таъсис этилганлиги муносабати билан жамият ва давлат ҳаётида фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатгани, ўзининг самарали меҳнати билан оиланинг шаклланишига ва фаровонлигининг мустаҳкамланишига, оналик ва болалик муҳофазасига муносиб ҳисса қўшганлиги, шунингдек, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, уларни ватанпарварлик ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, жойларда маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш ва миллий қадриятларимизни кенг тарғиб этиш борасидаги ибратли фаолиятлари учун “Мўътабар аёл” кўкрак нишони билан тақдирланди.

2. Реабилитология, халқ тиббиёти ва жисмоний тарбия кафедраси мудири А.Усманходжаева – Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси томонидан 2019 йилда ўтказилган “Ўзбекистон аёлларининг 100 та энг яхши инновацион лойиҳаси II-Республика танлови” ғолиби бўлганлиги учун Республика Хотин-қизлар қўмитаси дипломи ва ТТА Касаба уюшмаси қўмитаси эсдалик совғалари билан тақдирланди.

### ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ КАСАБА УЮШМАСИ ЭСДАЛИК СОВҒАЛАРИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИЛАР:

1. Парпирбоева Динара Аюповна – Даволаш факультети Ички касалликлар пропедевтикаси кафедраси доценти;  
2. Абдуллаева Дилором Тельмановна – Даволаш факультети 1-сон болалар касалликлари кафедраси катта ўқитувчиси;  
3. Салаева Муборак Саидабдуллаевна – Даволаш факультети 2-сон ички касалликлар кафедраси доценти;  
4. Набиева Дилдора Абдумаликовна – 1-сон факультет ва госпитал терапия кафедраси мудири, профессор;  
5. Ниёзова Тожиғул Аҳмедовна – Тиббий педагогика факультети Юқумли ва болалар юқумли касалликлари кафедраси профессори;  
6. Ходжаева Наргиза Исламовна – Тиббий педагогика факультети Психиатрия ва наркология кафедраси профессори;  
7. Алиходжаева Гулнора Аловиддиновна – Тиббий педагогика факультети ХДЖ кафедраси профессори;  
8. Ходжаназарова Сауляхон Жубатировна – Тиббий профилактика факультети анатомия ва клиник анатомия кафедраси ассистенти;  
9. Матназарова Гулбаҳор Султановна – Тиббий профилактика факультети Эпидемиология кафедраси мудири;  
10. Шокирова Фарида Жўраевна – Тиббий профилактика факультети Гематология, трансфузиология ва лаборатория иши кафедраси катта ўқитувчиси;  
11. Мамажоновна Мунира Амановна – Тиббий профилактика факультети Фармакология кафедраси доценти;  
12. Хасанова Мукаррам Алимардоновна – ОМХ факультети Суд тиббиёти ва тиббиёт ҳуқуқи кафедраси катта ўқитувчиси;

13. Миррахимова Гулбаҳор Шухратовна – ОМХ факультети Тиллар кафедраси ассистенти;  
14. Юсупова Раида Исаковна – ОМХ факультети ЖСССТ кафедраси фахрийси;  
15. Абдурахимова Лола Анваровна – 3-сон ички касалликлар кафедраси катта ўқитувчиси;  
16. Акбарова Дилфуза Суратовна – Клиник фармакология кафедраси доценти;  
17. Каримова Барно Норматалиевна – 2-сон болалар касалликлари кафедраси катта ўқитувчиси;  
18. Содиқова Махсуда Тожибоевна – Бош бухгалтер;  
19. Шохсанам Шералиева – 2-бўлим инспектори;  
20. Аширова Шахноза – Нашриёт бўлими муҳаррири;  
21. Қосимова Насиба – ТТЖ дирекцияси ходими;  
22. Абдуқодирова Бурулбиби – ТТЖ дирекцияси ходими;  
23. Наджимова Саноат Махаммадиновна – ТТА академик лицейи Биология фани бош ўқитувчиси;  
24. Абдувахобова Зулфия Саҳибжановна – ТТА академик лицейи Хорижий тиллар кафедраси мудири, инглиз тили фани бош ўқитувчиси;  
Байрам тадбирида ТТА Маданият уйи қошидаги “Наво-шифо” ёшлар ансамбли томонидан тайёрланган рақслар, куй ва кўшиқлар, шунингдек, “Адреналин” ҚВЗ жамоасининг сахна кўринишлари намойиш этилди.

**Машхура ХАСАНОВА,**  
Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи



## ДЎСТОНА ҲАМКОРЛИК ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

**Тошкент тиббиёт академиясида ҳар йили февраль ойида маънавий-маърифий ишларга бағишланган талаба-ёшларнинг анжуманини ўтказиш аънамага айланган. Шу муносабат билан Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими ҳамда Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти ҳамкорлигида 2019 йил – “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”га бағишланган “Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир” мавзусида талаба-ёшларнинг VIII анжумани ўтказилди.**

Анжуманда талабаларимиз ватанпарварлик, ижодкорлик, ташаббускорликка ундовчи қатор мавзуларда “Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир”, “Ватанни севмоқ – юксак маънавият мезони”, “Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси: таълим ва тиббиёт тизимида қутилаётган ислохотлар”, “Мен нечун севаман Ўзбекистонни” – ТТА хорижий талабалари наздида, “Менинг ҳаёт фалсафам”, “Шифокорлик – менинг ғурур ва ифтихорим” мавзуларида ўз ғоялари асосида тайёрланган маърузалари билан иштирок этдилар. Анжуманда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар билан бир қаторда тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, шифокорлар ва ҳамшираларнинг ўрни, миллий қадриятлар, “оммавий маданият” масалаларида фикр юритилди.

Анжуманда бу йил биринчи марта хорижлик талабалар ўз ташаббуслари билан “Мен нечун севаман Ўзбекистонни” мавзусида маъруза қилишлари алоҳида эътиборга лойиқ бўлди. Хорижлик талабаларнинг она Ватанимиз – Ўзбекистон тўғрисида меҳр-муҳаббат, ифтихор билан ўз туйғуларини ифодалашлари, нафақат хорижлик талабаларни балки ўзбекистонлик, тиббиёт академияси талабаларини ҳам янада ватанпарварликка ундайди.


Талаба-ёшлар чиқишлари давомида она Ватанга,

ота-онага, устозларга, касбга, таълим олаётган ўқув масканларига бўлган меҳр ва муҳаббатни, улар учун яратиб берилаётган чексиз имкониятлар учун давлатимизга, Президентимизга нисбатан миннатдорлик туйғуларини ўз маърузаларига сингдирган ҳолда намойиш этдилар.

Анжуман иштирокчилари ТТА Жамоатчилик кенгаши раиси, профессор Р.Усманов, Ички назорат ва мониторинг бўлими бошлиғи ў.Миршарапов, Болалар, ўсмирлар ва овқатланиш гигиенаси кафедраси профессори Г.Шайхова, Ижтимоий фанлар кафедраси профессори Д.Норқулов ва Педагогика ва психология кафедраси мудири Р.Мелибоевалардан иборат ҳайъат аъзолари томонидан одилона баҳоладилар.

Анжуман якунига кўра Тиббий профилактика факультети 2-босқич талабаси Г.Хайдарова – I-даражали диплом билан, Даволаш факультети 3-босқич талабаси Н.Юсупова II-даражали диплом билан, Тиббий биохимия йўналиши 1-курс магистранти С.Хабибуллаев – III-даражали диплом билан қолган анжуман иштирокчилари эса сертификат ва эсдалик совғалари билан мукофотландилар.

**Машхура ХАСАНОВА,**  
Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи  
**Азамат РЎЗИҚУЛОВ,**  
клиник ординатор





## НАВРЎЗИНГ МУБОРАК ЖОНАЖОН ЮРТИМ!

(Давоми.  
Боши 1-бетда.)

Гуллаб-яшнаётган Ўзбекистон бўйлаб ҳар бир таълим масканлари, истироҳат боғлари, хиёбонлар, маҳалла гузарлари ва кўчаларда Наврўз тантаналари давом этмоқда.

Шу муносабат билан Тошкент тиббиёт академияси ҳудудларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди, мевали ва манзарали кўчатлар, гуллар экилиб боғлар яратилди.

Наврўз умумхалқ байрамини кенг ва кўтаринки руҳда нишонлаш, ёшларимизни юртимизга меҳр-оқибат, ҳамжихатлик, инсонийлик, бағрикенглик ва бунёдкорлик, хайр-саховат муҳитини янада мустаҳкамлаш,

ёш авлодни миллий анъаналаримизга садоқат ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида камол топтириш, уларда миллий қадриятларга меҳр ва муҳаббат туйғуларини шакллантириш мақсадида 3, 4, 5, 7, 8-талабалар турар жойларида “Наврўзинг муборак жонажон юртим” шиори остида “Талабалик баҳори – 2019” ва “Сумалак сайли” ташкил этилди. Сайилда баҳорий миллий таомлар, ажойиб ноз-неъматлар билан безатилган дастурхонлар ёзилди, талаба-ёшлар томонидан тайёрланган халқ ўйинлари, фольклор санъатининг энг яхши намуналари, эл-юртнинг дилидан чуқур жой олган, қадимий урф-одатлар, эзгу инсоний туйғуларни тараннум этадиган куй ва кўшиқлар намойиш этилди. Ёш қаламкаш ижодкорлар томонидан “Она юртим – Ўзбекистоним”, “Наврўзинг муборак азиз диёрим”, “Миллий қадриятларимиз”

мавзуларида шеърлар ижро этилди, амалий рассомчилик санъати йўналишида ёш ҳаваскор рассомлар ижодидан кўргазмалар танлови ташкил этилди.

Шунингдек, Наврўзга бағишланган миллийлик тимсоли “Фольклор чиқишлар”, “Яккаҳон хонандалар беллашуви”, “Оммавий раққосалар гуруҳи беллашувлари” ва талабалар турар жойи миқёсида ўтказилган “Энг озода турар жой”, “Энг намунали хона”, “Энг ибодли қиз”, “Энг ибратли йигит” ва “Энг яхши бадиий чиқиш” номинациялари бўйича голиблар аниқланиб, фахрий ёрликлар ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**Хабиба НУРБОЕВА,**  
**Ёшлар билан ишлаш,**  
**маънавият ва маърифат бўлими**  
**уллубчиси**

## ЎЗБЕКОНА АНЪАНАЛАР ВА ҚАДРИЯТЛАР

**Баҳор янгиликни, яшариш фасли. Неки мавжудот, коинот уйғонадиган замин у осмон шуқуҳга тўладиган фаслдир. Кўклар нафаси кишилар дилига ажиб илиқликни, ошиқлар қалбига пок муҳаббатни соладиган, азалий анъаналар жонланадиган илҳомбахш фаслдир. Замину осмонда сабо куйлари жаранг сочадиган, дарахт куртаклари сабога бўй чўзадиган дилтортар онлардир.**

Гўзаллик санамлари ҳисобланмиш навниҳол лобар қизлар, мунис онажонлар мадҳ этиладиган ҳофиз қўшиғи жаранг сочадиган, самовот куйи тараладиган ҳуш лаҳзалардир.

Наврўз азалий анъаналар қадимий куй-кўшиқлар жаранглайдиган кун ва тун тенг нур сочадиган ҳузурбахш янги кун деб очилди. Ана шундай тароват, илиқлик юртимизнинг ҳар бир гўшасида боғу хиёбонлари, сайилгоҳлари, кишилар қалбига кўнглида уйғонади. Азалий анъаналар, қадриятлар шуқуҳи ҳар бир гўшада бўй чўзади.

Наврўз янги кун демақдир. Кишиларга меҳр кўрсатиш, улар ҳолидан хабар олиш саховат, меҳр улашиш ажодларимиздан биз авлодларга мерос сифатида ўтган азалий анъанадир.

Тошкент тиббиёт академияси академик лицейида ҳам 2018-2019 ўқув йили давомида “Меҳрга ташна қалблар” дастури лойиҳаси бўйича “Келинг. Меҳр улашайлик!” шиори остида саховат акцияси уюштирилди. Акциядан тушган маблағлар кўнгли ярим, меҳрга ташна мурғак қалбларга оз бўлса-да моддий ва маънавий кўмак бўлиб хизмат қилди. Ёшларни шундай шарафли йўлга чорлаган акция қатнашчилари халқ депутатлари Олмазор туман Кенгаши депутати Б.Сағатов, академик лицей директори А.Шермуратов, академик лицей Ёшлар иттифоқи етакчиси Н.Ҳақимова, академик лицей психологи Х.Усмонова, фаол гуруҳ раҳбарлари Ш.Юнусова, Б.Абдуқодирова, Д.Бабаханова, Д.Исмоилова ҳамда Ёшлар иттифоқининг Ижтимоий Ҳимоя йўналиши етакчилари Ж.Камилов, А.Асадуллаев, Х.Юсупов, Ғ.Улуғбековлар жонбозлик кўрсатган ҳолда Олмазор туман 1-сон “Қариялар уйи”га, Олмазор туман 1-сон “Мурувват уйи” ҳамда Яшнобод туманидаги 30-сон “Меҳрибонлик уйи”га ташриф буюрдилар. Кўнгли ярим, меҳрга зор мурғак қалб эгаларига оз бўлса-да меҳр улашдилар.

Наврўз чин маънода инсониятни эзгуликка етакловчи улғ

ҳикматдир. Ҳам ботиний, ҳам руҳий олам поклигидир. Замину осмоннинг яшариши ва янгиликнидир.

Юртимизнинг кенг гўшалари каби Тошкент тиббиёт академияси академик лицейида ҳам академик лицейи Ёшлар иттифоқи фаоллари томонидан “Ўзбеконана анъаналар ва қадриятлар” деб номланган “Ёшлар фестивали” бўлиб ўтди. Фестивални ўзбегимизнинг миллий чолғу-асбоблари карнай-сурнай навалари жаранги очиб берди. Ёшлар кўзида нур, қалбидида кувонч баҳор айёмининг навниҳол ўспирин йигит-қизлари тимсолида янада жонлангандир. Фестивалда академик лицей 1- ва 2-босқич ўқувчилари томонидан қадимий анъаналарга йўғрилган Республика миёна вилоятларининг тарихий ва миллий намойиши акс этирилди. Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларига хос миллий дастурхон фестивал қатнашчиларида ўзгача таассурот қолдирди. Хоразм, Андижон навалари дилларни жунбушга келтирди. Воҳа ноз-неъматлар-ю, лапарлари ўтмиш анъаналарини жонлангандир. Наврўз куйи, баҳор навалари ташриф буюрган меҳмонларни кувонтирди. Фестивалда халқ депутатлари Олмазор туман Кенгаши депутати Б.Сағатов, ЎзЛиДеп аъзолари, Тошкент тиббиёт академияси профессор-ўқитувчилари, Ёшлар иттифоқи Олмазор туман Кенгаши раиси Ш.Анваров, бошланғич ташкилот етакчилари, ўқувчилар иштирок этди.

Фестиваль ёшларни қадриятларга ҳурмат руҳини тарбиялашда муносиб восита бўлиб хизмат қилди.

Наврўз дилларни дилларга пайваста қилган, асрий анъаналарга меҳр уйғотган, миллий ўзликни ўзида тараннум айлаган ажиб тантанадир. Унинг шуқуҳи, нури олий ҳиммат эътиқоди асрлар давомида ўз машъалини юксакларга кўтараверсин. Наврўзнинг самовий куйи замину осмонга жаранг сочаверсин.

**Нигора ҲАКИМОВА,**

**ТТА академик лицейи Ёшлар иттифоқи етакчиси**

## БАҲОР, КЕТМА МЕНИНГ БОҒИМДАН...

**Улуғ мутафаккир шайх Абдуҳомид Ғаззолий ўзларининг битикларидан бирида: “Аллоҳи карим жаннатнинг ҳақлигини бандаларига билдириб туриш учун рўйи заминга ҳар йили баҳорни келтиради”, дейди. Ҳақиқатан ҳам баҳор – баайни ужмоҳнинг рўйи заминдаги гўзал бир тажаллийси, жилвасидир. Ундаги шарқираб оқувчи сувлар Ҳавзи Кавсарга, гуллари Фирдавс боғидаги чаманзорга, фируза осмони етти қават самонинг сийратига ўхшайди. Баҳорнинг энг эрка, энг масъум, энг баракали даври бу қадимий Янги йил – Наврўзи оламдир.**

Айнан шу куни кун ва тун узунлиги тенглашади, энг узок давом этган Ялдо тунларининг кут ва баракоти рўйи заминга худди баҳор ёмғирларидек ёпирилади. Тарихий битикларда Наврўзи айёмнинг тарихи 3000 йилдан ортиқ эканлиги келтириб ўтилади. Ҳали бу ҳудудларига Александр Македонский бошлиқ юнонларнинг, Кайхисрав шоҳлигидаги эронийларнинг, Қутайба ибн Муслим раҳбарлигидаги арабларнинг, Чингизхон туғини кўтарган мўғулларнинг қадамлари етмаган, буюк Аттилла бобокалонимиз ўзининг ўн нафар хориж аскарига тенг келувчи ботир навкарлари билан кезиб юрган даврдаёқ, худудлари Онасой (Енисей) ва Идилдан (Волга) сув ичган, бир тарафи Афғонга, яна бир тарафи Кавказ тоғларига тақалувчи дашти Қипчоқда Наврўзи олам кенг нишонланган. Одам алайҳиссаломнинг суюкли ўғли Ёфасдан тарқаган олис ажодларимиз бу қутлуғ кунда завқ ва сурурга тўлиб, ўйин-кулгулар ташкил этган, тўйлар қилган, ўтмишдошларини эслашган, ўз тангриларидан она заминга кут ва барака тилаб қурбонликлар уюштирганлар. Буюк бобокалонимиз, Қисас ул Анбиённинг муаллифи Носируддин Бурҳонуддин Рабғузӣ олис мозийда туриб бу кунни улғулаб куйидаги сатрларни битган:

Кун ҳамалга кирди эрса келди олам Наврўзи,  
Кетди дилдан замҳарир қиш, қолмади қори бузи.  
Наврўзнинг айрим жиҳатлари Авестонинг узук юлуқ сақланиб қолган варақларида, “Девони луғотит турк”, “Ҳибатул ҳақойиқ” асарларида Юсуф

Хос Ҳожиб ва Аҳмад Югнакий каби мутафаккир боболаримиз томонидан ўзига хос ҳурмат ила куйланган. Мирзо Бобур она юртидан мажбуран бош олиб олис Ҳиндга кетаётганида Афғонистон тоғларида Наврўзни кўз ёши билан кутиб олганлиги тарихий битикларда келтириб ўтилади. Муҳаммад Солиҳ ўзининг “Шайбонийнома” асарида улуғ шоҳ Муҳаммад

Самарқандга келган. Наврўзи айём Алишер Навоийни, Биноийни, Нодирабегимни, Увайсийни, Муқимийни, Фурқатни, Завқийни, Муҳаммад Раҳимхон Хоразмийни ўз даврида илҳомга солган, буюк юртдошимиз, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов ўзларининг дурдонаси “Сен, баҳорни соғинмадингми?” шеърини айнан Наврўзи оламдан илҳомланиб яратган.

Болалик йилларим эслайман оз-оз,

Босиқ уйку ичра ётганда олам.

Тонлар қулоғимга келарди овоз,

Ғафлатда ётмагин, эркатой болам.

У – эрка баҳорнинг шўх саси эди,

У – мунис онаминг нафаси эди.

Устози комил Абдулла ака эрка баҳорнинг, баракотли ва офиятли Наврўзнинг сасини волидаи муҳтарамларнинг нафасига ўхшатган.

Дарҳақиқат, улуғ кунларнинг остонасида туриб, умримизни баҳор ҳеч қачон тарк этмаслигини жон дилдан истаб қоламиз.

Ҳурматли заминдошлар, замондошлар ва Академиямизнинг муҳтарам профессор-ўқитувчилари! Ҳазрат Алишер Навоий “Ҳар кунинг Наврўз бўлиб, Ҳар тунинг Қадр ўлсин”, деганларидек, ҳаётингиз янгиликлар ва яхшиликларга тўлсин, улуғ айём оилангизга, ўзингизга, жамоангизга қутлуғ келсин, деймиз.

**Қутбиддин НИЗОМОВ,**  
**Республика Соғлиқни сақлаш**  
**аълочиси, олий тоифали аллерголог**  
**Алижон ЗОҲИДИЙ,**  
**доцент, Республика Ёзувчилар**  
**уюшмаси аъзоси**

